

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ–ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ–ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

ХУСАНБАЕВА ХУСНОРА СОБИРЖОНОВНА

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИНИНГ ЎТЛОҚИ БЎЗ ТУПРОҚЛАРИ
ШАРОИТИДА СОЯНИ ЁМҒИРЛАТИБ СУҒОРИШ ТАРТИБИНИ
ИШЛАБ ЧИҚИШ**

06.01.02 – Мелиорация ва суғорма деҳқончилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2025

УЎТ: 631.445.52:635.655:631.674.6(575.16)

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on agricultural sciences**

Хусанбаева Хуснора Собиржонова

Тошкент вилоятининг ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида сояни
ёмғирлатиб суғориш тартибини ишлаб чиқиш..... 3

Хусанбаева Хуснора Собиржонова

Разработка режима дождевального орошения сои в условиях лугово–
сероземных почв Ташкентской области 21

Xusanbayeva Khusnora Sobirjanovna

Development of sprinkler irrigation scheduling for soybean under meadow
grey soil conditions of Tashkent region 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 43

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ–ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ–ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

ХУСАНБАЕВА ХУСНОРА СОБИРЖОНОВНА

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИНИНГ ЎТЛОҚИ БЎЗ ТУПРОҚЛАРИ
ШАРОИТИДА СОЯНИ ЁМҒИРЛАТИБ СУҒОРИШ ТАРТИБИНИ
ИШЛАБ ЧИҚИШ**

06.01.02 – Мелиорация ва суғорма деҳқончилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузурдаги Олий аттестация комиссиясида B2022.4.PhD/Qx997 рақами билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертация иши Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.psuayiti.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали (www.ziynet.uz) да жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Нурматов Шермат Нурматович**
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Авлиякулов Мирзоолим Авазович**
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Идрисов Хусанжон Абдужабборович
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим

Етакчи ташкилот: **Тошкент давлат аграр университети**

Диссертация химояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳузурдаги илмий даражалар берувчи DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 рақамли илмий кенгашнинг « 29 » октябрь 2025 йил соат 9⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника МФЙ УзПИТИ кўчаси, ПСУЕАЙТИ. Тел.: (+99878) 150-62-84; факс: (99871) 150-61-37; e-mail: paxtauz@mail.ru)

Диссертация билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 202 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника МФЙ, УзПИТИ кўчаси, ПСУЕАЙТИ. Тел.: (+99878) 150-62-84; факс: (99871) 150-61-37.

Диссертация автореферати 2025 йил « 10 » октябрь да тарқатилди.
(2025 йил « 10 » 10 даги 1 рақамли реестр баённомаси).



[Signature]
Ш.Х.Абдуалимов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раис ўринбосари, к.х.ф.д., профессор.

[Signature]
Ф.М.Хасанова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.х.ф.н., профессор.

[Signature]
Ж.Х.Азмелов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Кейинги йилларда дунёда сояни етиштириш майдони Бразилияда–39,1 млн. га, АҚШ–34,9 млн. га, Аргентина–16,4 млн. га, Ҳиндистон–12,1 млн. га, Хитой–8,4 млн. га, Парагвай–3,5 млн. га, Россия–2,9 млн. га, Қозоғистон–112,9 минг. га, Ўзбекистон–21,4 минг. га ни ташкил этиб, соя донини ишлаб чиқариш Бразилияда–134,9 млн. т, АҚШ–120,7 млн. т, Аргентина–46,2 млн. т, Хитой–16,4 млн. т, Ҳиндистон–12,6 млн. т, Парагвай–10,5 млн. т, Россия–4,7 млн. т, Қозоғистон–237,8 минг. т ни ташкил қилган. Жаҳонда сув тежовчи технологиялардан фойдаланиш бўйича Хитой етакчи ҳисобланиб, 48 млн. га, АҚШ 13,8 млн. га, Ҳиндистон 7,7 млн. га, Бразилия 4,5 млн. га ва Испания 4,5 млн. га ёмғирлатиб суғориш жорий этилган¹. Дунёда сув танқислиги муаммоси кундан кунга ортиб бораётган бир вақтда соя навларидан юқори ва сифатли дон ҳосили олишда ресурс тежамкор суғориш тартибларини ишлаб чиқиш муҳим илмий–амалий аҳамият касб этади.

Дунёда қишлоқ хўжалиги ерларининг унумдорлигини ошириш, аҳолини озиқ–овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлаш мақсадида, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, соянинг серҳосил навларини яратиш, экиш меъёрлари ва муддатларини ишлаб чиқиш, табиий тупроқ иқлим шароитларини инобатга олган ҳолда замонавий агротехнологияларини, ўғитлаш меъёрлари ва муддатларини, ресурс тежамкор суғориш усуллари ва тартибларини ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июлдаги ПФ–6024–сон “Ўзбекистон Республикасида сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги² фармонида асосан ҳозирги кунда соянинг маҳаллий навларини яратиш, биологик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда асосий ва такрорий экин сифатида экиш, қатор ораларига ишлов бериш, макро ва микро элементлар билан озиқлантириш, касаллик ва зараркунанда ҳашоратлардан ҳимоялаш, бегона ўтларга қарши кураш, сув танқислиги шароитида тупроқ намлигидан самарали фойдаланиш, сувга бўлган талабини ўрганиш ва сув тежамкор ёмғирлатиб суғориш меъёри, сони, муддати ва сарфини аниқлаш долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 1 апрелдаги ПҚ–300 сонли “Сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора–тадбирлар тўғрисида” ги қарори, 2024 йил 16 февралдаги ПФ–36–сон “Республикада озиқ–овқат хавфсизлигини

¹ <https://www.atlasbig.com/ru/strany-po-proizvodstvu-soi>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10-июлдаги ПФ-6024-сон “Ўзбекистон Республикасида сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони (lex.uz).

таъминлашнинг кўшимча чора–тадбирлари тўғрисида”ги фармони ва қарорларида белгиланган мойли ва озик–овқат экинларини етиштириш ва қайта ишлаш, суғориш сувларидан самарали фойдаланиш, сув ва ресурс тежовчи технологияларни қўллаш бўйича берилган топшириқ ҳамда бошқа меъерий–ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф–муҳит муҳофазаси” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси: Соя навларини асосий ва такрорий экин сифатида турли тупроқ–иқлим шароитларида парваришlash ҳамда уларни етиштириш агротехнологияларини ишлаб чиқиш, турли усулларда мақбул суғориш тартиблари ва меъёрларини ишлаб чиқиш бўйича мамлакатимизда Х.Атабаева, Д.Ёрматова, Ш.Нурматов, Р.Тилляев, Н.Халилов, Б.Халиков, Р.Сиддиқов, У.Норқулов, Н.Уразматов, У.Неъматов, Ф.Намозовлар, хорижда В.Баранов, О.А.Белик, А.Вашенко, П.У.Губанов, А.А.Динекко, М.М.Дошмухамбетова, Reginaldo Ferreira Santos, Douglas Bassegio, Bruno Boareto, Fabíola Tomassoni, Deonir Secco, Nick R.Bateman, Angus L. Catchot, Jeff Gore, Don R. Cook, Fred R. Musserand J. Trent Irby, W.L.Kranz, J.E.Specht, J.A.Torrion, T.D.Setiyono, G.L.Graef, K.G.Cassman томонидан кенг қамровли илмий изланишлар олиб борилган.

Лекин, Тошкент вилояти шароитида соя навларини асосий экин сифатида ресурс тежамкор ёмғирлатиб суғоришнинг мақбул тартибларини ишлаб чиқиш ва ўсимликнинг сув истеъмолини аниқлаш борасида етарлича илмий изланишлар олиб борилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари, режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий–тадқиқот институти илмий–тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Турли агроэкологик шароитларда тупроқни деградация (шамол ва ирригация эрозияси) дан химоя қилиш, унинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳамда тупроқ унумдорлигини ошириш тадбирларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш” (2022–2024 йй.) мавзуидаги илмий тадқиқот доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Тошкент вилоятининг қадимдан суғориладиган ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида соянинг “Нафис” ва “Узбекская–6” навларини асосий экин сифатида етиштиришда сувтежамкор ёмғирлатиб суғориш тартибларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

соянинг “Нафис” ва “Узбекская–6” навларини ўтлоқи бўз тупроқлар шароитида ёмғирлатиб суғоришнинг мақбул тартибларини тупроқнинг агрофизикавий ва агрохимёвий хоссаларига таъсирини ўрганиш;

соя навларини суғоришда сув сарфи, суғориш сони, суғориш оралиги, суғориш муддатлари ва мавсумий суғориш меъёрлари ҳамда сув истеъмолига ёмғирлатиб суғориш тартибларининг таъсирини аниқлаш;

ёмғирлатиб суғориш тартибларининг соя навларини ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсирини ўрганиш;

соянинг Нафис ва Узбекская–6 навларини ёмғирлатиб суғоришнинг мақбул тартибларининг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент вилоятининг қадимдан суғориладиган ўтлоқи бўз тупроқлари, ёмғирлатиб суғориш тизими, соянинг Нафис ва Узбекская–6 навлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети. Тупроқнинг сув–физик, агрофизикавий хоссалари, асосий экин сифатида экилган соя навларини ёмғирлатиб суғориш усулида суғориш сони, мавсумий суғориш меъёри, муддатлари, оралиғи, давомийлиги, сув истеъмоли, соянинг ўсиши, ривожланиши, дон ҳосилдорлиги, оқсил ва мойдорлиги ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотларда биометрик ўлчовлар, фенологик кузатишлар, тупроқнинг агрофизикавий, агрохимёвий хоссалари “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари”, “Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах”, суғориш ва майдонни намланиш қатлами қалинлиги “Методика полевого опыта” ва “Показатели надёжности и основные виды отказов элементов систем капельного орошения” услубий қўлланмалари асосида олиб борилган. Соя донининг мойлилик даражаси замонавий ЯМР–1600 анализаторида, оқсил миқдори ГОСТ 108–91 2016 га асосан эритма ўлчови (Кьельдаль бўйича), иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари Н.А.Баранов услуби асосида, тажриба натижаларига математик ишловлар бериши Б.А.Доспеховнинг кўп омилли услуби ёрдамида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Тошкент вилоятининг қадимдан суғориладиган ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида соянинг Узбекская–6 ва Нафис навларини суғоришда тупроқнинг 30–40–40 см ҳисобий қатламини намлаш, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 75–80–80% тартибда ёмғирлатиб суғориш мақбул эканлиги ишлаб чиқилган;

соя навларини эгатлаб суғоришда тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70–75–75% тартибда мавсум давомида 3186,6 м³/га сув сарфланган бўлса, сояни ёмғирлатиб суғориш усулида 75–80–80 % тартибда 2313,3 м³/га меъёрда суғорилиб, гектаридан 873,3 м³ ёки 37,7 % сув тежалишига эришилган;

ёмғирлатиб суғориш усулида соя навларининг ўсув даври давомийлиги эгатлаб суғоришга нисбатан соянинг Нафис навида 1–2 кунга, Узбекская–6 навида 4–9 кунга узайганлиги аниқланган;

соя навларини ёмғирлатиб суғориш усулида тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 75–80–80 % тартибда суғорилганда дон ҳосили 3,8–4,4 ц/га, рентабеллик даражаси 14,3–15,2 % ортган;

сояни ёмғирлатиб суғориш усулида тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70–75–75 % тартибда суғорилганда Нафис навида дон таркибидаги оксил микдори 0,47 %, мой микдори 0,40 %, Узбекская–6 навида эса оксил 0,53 %, мой 0,43 % ортганлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Тошкент вилоятининг қадимдан суғориладиган ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида соянинг Нафис ва Узбекская–6 навларини етиштирилганда тупроқнинг ҳажм массаси ўртача уч йилда амал даври бошида ҳайдов (0–30 см) қатламида 1,28 г/см³ ни ташкил қилган бўлса, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70–75–75 % тартибда эгатлаб суғориш усулида амал даври охирида 1,38 г/см³ ёки 0,10 г/см³ га ортган, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 75–80–80 % тартибда ёмғирлатиб суғориш усулида эса 1,38 г/см³ га тенг бўлиб, эгатлаб суғориш усулига нисбатан 0,10 г/см³ га ортган. Тупроқнинг ғоваклиги амал даври бошида ҳайдов қатламда ўртача 48,5% ни ташкил этган бўлса, амал даври охирида сояни суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70–75–75 % тартибда эгатлаб суғорилган вариантнинг ҳайдов қатламида 47,1 % ни ташкил этган. Ёмғирлатиб суғориш усулида эса тупроқнинг ғоваклиги 46,9 % ни ташкил этган ёки 0,2 % га камайганлиги аниқланган.

Тупроқнинг сув ўтказувчанлиги 6 соат давомида гектарига 910 м³ /га (91,0 мм) ни ёки 0,253 мм/мин ни ташкил қилган бўлса, амал даври охирига келиб, сояни суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 75–80–80 % тартибда ёмғирлатиб суғорилганда 681,0 м³/га (0,189 мм/мин) ни, эгатлаб суғорилганда 711,0 м³/га (0,197 мм/мин) ни ташкил қилган ёки назоратга нисбатан 215,2 м³/га (0,060 мм/мин)га камайган ва тупроқнинг сув–физик хоссалари яхшироқ сақланганлиги аниқланган.

Соянинг Нафис навини суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70–75–75% тартибда ёмғирлатиб суғориш усулида мавсум давомида 2693,3 м³/га меъёрда, 2–3–3 тизимда 8 марта, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 75–80–80 % тартибда ёмғирлатиб суғориш усулида мавсум давомида 2313,3 м³/га меъёрда сув сарфланиб, 2–4–4 тизимда 10 марта суғорилган ҳамда 380 м³/га ёки 16,4 % сув тежалган, Нафис навида 3,8 ц/га, Узбекская–6 навида 4,2 ц/га кўшимча дон ҳосили олинган ҳолда рентабеллик даражаси 46,4–52,4 % ошганлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Дала ва лаборатория тажрибалари услубларидан фойдаланилган ҳолда олинган маълумотлар математик–статистик ишловдан ўтказилганлиги, назарий ва амалий натижаларнинг бир–бирига мос келиши, халқаро ва маҳаллий тадқиқот натижалари билан таққосланганлиги, кузатилган қонуниятлар ва олинган хулосаларнинг мослиги, натижаларни ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги, тажриба натижаларининг халқаро ва Республика миқёсидаги илмий–амалий анжуманларда муҳокама қилинганлиги ҳамда илмий нашрларда чоп этилганлиги натижаларнинг ишонччилигини кўрсатади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, қадимдан суғориладиган ўтлоқи бўз

тупроқлари шароитида соянинг Нафис ва Узбекская–6 навларини ёмғирлатиб суғориш усулида суғоришлар олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 75–80–80% тартибда суғориш мақбул эканлиги, суғоришлар сони, суғориш муддати, суғориш меъёрлари ва мавсумий суғориш меъёрлари илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, қадимдан суғориладиган ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида фаолият юритаётган фермер хўжаликларида соянинг Нафис ва Узбекская–6 навларини ёмғирлатиб суғориш усулида мақбул тартибда суғорилганда суғориш суви тежалганлиги, соя навидан қўшимча дон ҳосили олинганлиги ҳамда юқори иқтисодий самарадорликка эришилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тошкент вилоятининг қадимдан суғориладиган ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида сояни ёмғирлатиб суғориш тартибларини ишлаб чиқиш бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари асосида:

“Тошкент вилоятининг ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида соянинг Нафис ва Узбекская–6 навларини ёмғирлатиб суғориш” номли тавсиянома ва DGU–21809–“Асосий экин сояни суғориш тартибларига боғлиқ ҳолда ҳосилдорлигини аниқлаш” мавзусидаги ЭХМ дастури тасдиқланган (Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2025 йил 9–апрелдаги 05/01–05/02–05/04–03–130 сон маълумотномаси). Мазкур тавсиянома соя етиштирувчи фермер хўжаликлари ва кластерларида қўлланма сифатида фойдаланилиб келинмоқда;

ресурс тежамкор ёмғирлатиб суғориш усулида соянинг Узбекская–6 ва Нафис навларини суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70–75–75 % тартибда суғориш Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги “Агровер” МЧЖ кластерида 7 га, Пскент тумани Аширметов Жумабой ф/х 6,5 га, жами 13,5 га майдонга жорий этилган (Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2025 йил 9–апрелдаги 05/01–05/02–05/04–03–130 сон маълумотномаси). Натижада, сояни ёмғирлатиб суғоришда 200–300 м³/га меъёрда, мавсумий 10 марта 3120 м³/га сув сарфлаб суғорилганда дон ҳосили 32,9 ц/га, рентабеллик даражаси 65,7 % ни ташкил этган;

соя навини ёмғирлатиб суғориш усулида тупроқнинг 30–40–40 см қатламини намлаб суғориш Тошкент вилояти Ўртачирчиқ туманидаги “ТИҚХММИ” МТУнинг ўқув тажриба учаткасида 5,0 га, Пскент тумани Аширметов Жумабой ф/х 6,5 га, жами 11,5 га майдонида жорий этилган (Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2025 йил 9–апрелдаги 05/01–05/02–05/04–03–130 сон маълумотномаси). Натижада, соядан 29,5–32,9 ц/га дон ҳосили олинган, мавсумий суғориш меъёри 3120–2550 м³/га га тенг бўлган ҳолда рентабеллик даражаси 52,4–50,7 % ни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Дала тажрибалари ҳар йили Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази ва Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий–тадқиқот институти томонидан тузилган апробация комиссияси томонидан “яхши”

баҳоланган, йиллик ҳисоботлар институтнинг услубий ва илмий кенгашларида муҳокама қилинган. Тадқиқот натижалари бўйича Республикада 2 та ва Халқаро илмий–амалий конференцияларда 2 та маърузалар қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш чоп этилган, шундан илмий нашрларда 5 та, жумладан, 4 та республика ва 1 та хорижий журналларда ҳамда 1 та ЭҲМ дастурига гувоҳнома олинган ва 1 та тавсиянома нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, 5 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, шунингдек республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг усуллари, илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши ва апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши, тартиби ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Адабиётлар шарҳи”** деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича маҳаллий ва хорижий олимлар томонидан ўтказилган тадқиқотлардан олинган натижалар, хулоса ва фикрлар батафсил келтирилган, соя навларини суғориш тартиблари бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар чуқур таҳлил қилинган. Ўтлоқи бўз тупроқлар шароитида соя навларини суғориш усуллари, суғориш тартиблари ва етиштириш агротехнологиялари бўйича етарлича изланишлар ўтказилмаганлиги сабабли, ушбу мавзуда тадқиқот олиб бориш зарурлиги тўғрисида хулоса қилинган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот ўтказиш шароити ва услублари”** деб номланган иккинчи бобида, тадқиқот ўтказилган жойнинг тупроқ–иқлим шароитлари ва тадқиқот ўтказиш услублари келтирилган. Тошкент вилоятида 2022–2024 йилларда тадқиқотлар ўтказилганда ўртача ҳаво ҳарорати 15,9 – 17,2 °С, энг паст ҳаво ҳарорати –1,9 дан 28,3 °С, энг юқори ҳаво ҳарорати эса 10,4–45,6 °С ни ташкил этганлиги кузатилди.

Тошкент вилоятининг жами 1618,3 минг гектар майдони бўлиб, шундан тупроқ турлари бўйича 629,9 минг/га тоғ қўнғир, 132,2 минг/га тўқ тусли бўз, 343,7 минг/га типик бўз, 9,5 минг/га оч тусли бўз, 66,3 минг/га ўтлоқи бўз, 174,2 минг/га ўтлоқи, 30,8 минг/га ўтлоқи ботқоқ, 201,1 минг/га шағал ва кум, кумлоқ, 30,6 минг/га алювиал тупроқ турларига ажралади.

Ушбу бобда дала ва лабораториядаги илмий изланишлар ПСУЕАИТИ да қабул қилинган “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари” қўлланмаси

асосида олиб борилиб, ҳосилдорлик бўйича олинган маълумотлар Б.А.Доспеховнинг “Методика полевого опыта” услубий қўлланмаси асосида кўп омилли дисперсион таҳлил асосида статистик ишловдан ўтказилганлиги қайд қилинган. Тажриба даласи тупроғи таркибидаги гумус миқдори И.В.Тюрин, умумий азот ва фосфор И.М.Мальцева, Л.П.Гриценко, ҳаракатчан фосфор Б.Мачигин, алмашинувчи калий эса П.Протасов усулида, тупроқнинг ҳажм массаси ва ғоваклиги Н.А.Качинский усулида, сув ўтказувчанлик эса металл цилиндрларга сув қуйиш йўли билан Долгов усулида аниқланган.

Диссертация иш дастурига мувофиқ илмий изланишлар Тошкент вилоятининг ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида олиб борилган, барча агротехник тадбирлар тафсилоти ёритилиб, тадқиқот объекти сифатида ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида соянинг Нафис ва Узбекская–6 навларининг тавсифи баён қилинган.

Диссертациянинг **“Сояни ёмғирлатиб суғоришнинг тупроқ агрофизикавий ва агрохимёвий хоссаларига ҳамда сув истеъмолига таъсири”** деб номланган учинчи бобида тадқиқот ўтказилган йилларда суғориш усули ва тартибларининг тупроқнинг сув–физик, агрофизикавий ва агрохимёвий хоссаларига таъсири, соя навларини эгатлаб ҳамда ёмғирлатиб суғориш техника элементлари, суғориш олди тупроқ намликлари ва суғориш муддатлари, сони, давомийлиги, суғориш ва мавсумий суғориш меъёрлари ҳамда бир центнер дон ҳосили етиштириш учун сарфланган сув миқдорлари бўйича маълумотлар келтирилган.

Соя етиштириш учун тажриба майдони тупроғининг механик таркиби тўғрисидаги маълумотларнинг кўрсатишича, механик заррачалар асосини майда қум (0,1–0,05 мм), йирик чанг (0,05–0,01 мм) ва майда чанг (0,005–0,001 мм) ташкил қилади. Тупроқ механик таркибида заррачаларнинг энг кўп миқдори 33,0 % 0–145 см қатламда йирик чангдан иборат бўлса, энг кам миқдори 0,8% ўрта қумга тўғри келганлиги аниқланди. Майда қум, ўрта ва майда чанг заррачаларнинг миқдори бўйича қатламлар ўртасида катта фарқ кузатилмади, аммо (< 0,001) заррачалари миқдори 15,1 % дан 10,0 % гача ўзгарганлиги маълум бўлди. Таҳлиллар натижасида физик лой (< 0,01 мм) миқдори қатламлар бўйича 36,5 % дан 44,7 % гача ораликда тебраниб, ўрта қумоқдан иборат эканлиги аниқланган.

2022 йилда олиб борилган тажрибанинг амал даври бошида умумий тагликда ўрганилган тупроқдаги агрофизик кузатиш натижаларининг кўрсатишича, тажриба даласининг 0–30 см қатламидаги ҳажм массаси 1,28 г/см³ га, 0–50 см да 1,31 г/см³ га, 0–70 см да 1,34 г/см³ га ва 0–100 см да эса 1,37 г/см³ га тенг бўлган бўлса, тажриба майдонининг ўртача ғоваклиги юқоридан пастга қараб камайиб борди, яъни 0–30 смда 48,8 %, 0–50 смда 47,6 %, 0–70 смда 46,4 ва 0–100 см да эса 45,2 фоизни ташкил этган (1–жадвал).

Тажриба олиб борилган майдонда ўсимликларнинг амал даври охирига келиб вариантлар ўртасида энг кам миқдордаги тупроқ ҳажм массасининг ўзгариши қуйидагича бўлди, яъни назорат вариантыда соя

навларини суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70–75–75 фоизда эгатлаб суғорилган 1, 2–вариантларда кузатилишича 0–30 см да 1,36 г/см³ ни, 0–50 см да 1,42 г/см³, 0–70 см да 1,44 г/см³, 0–100 см да 1,45 г/см³ ни ташкил қилди. Тупроқнинг ҳажм массаси катта миқдордаги ўзгариши соя навларини ёмғирлатиб суғоришда суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70–75–75 фоизда 5, 6–вариантларда кузатилди ва тегишлича 1,39; 1,41; 1,43 ва 1,44 г/см³ га тенг бўлди. Соя навларини ёмғирлатиб суғориш тажриба вариантлари ҳисобланган 7 ва 8–вариантларда тупроқнинг ҳажм массасининг ўзгариши оралик ўринни эгаллагани аниқланди. Жумладан, амал даври бошида умумий тагликда тажриба даласининг 0–30 см қатламидаги ҳажм массаси 1,28 г/см³, 0–50 см да 1,33 г/см³, 0–70 см да 1,34 г/см³ ва 0–100 см да эса 1,37 г/см³ га тенг бўлган бўлса, тажриба майдонининг ўртача ғоваклиги юқоридан пастга қараб камайиб борди, яъни 0–30 см 52,6 %, 0–50 см 51,6 %, 0–70 см 50,6 ва 0–100 см да эса 49,3 фоизни ташкил қилган.

1–жадвал

Тупроқнинг ҳажм массаси (г/см³) ва ғоваклиги (%)

Қатлам, см	0–10	10–20	20–30	30–40	40–50	50–60	60–70	70–80	80–90	90–100	0–30	0–50	0–70	0–100
Кўрсаткич														
Амал даври бошида (умумий фонда), 8.04.2022 йил														
Ҳажм мас.	1,26	1,28	1,29	1,32	1,38	1,39	1,41	1,43	1,45	1,46	1,28	1,33	1,34	1,37
Ғоваклик	53,3	52,5	52,2	51,1	48,8	48,5	47,7	47,0	46,2	45,9	52,6	51,6	50,6	49,3
Амал даври охирида вариантлар бўйича, 15.10.2022 йил														
ЧДНСга нисбатан 70–75–75 % тартибда эгатлар орқали суғориш (назорат)														
Ҳажм мас.	1,38	1,40	1,41	1,45	1,46	1,47	1,49	1,48	1,49	1,48	1,36	1,42	1,44	1,45
Ғоваклик	44,8	44,0	43,6	42,0	41,6	41,2	40,4	40,8	40,4	40,8	45,6	43,2	42,4	42,0
ЧДНСга нисбатан 65–70–70 % тартибда ёмғирлатиб суғориш														
Ҳажм мас.	1,36	1,38	1,39	1,42	1,43	1,44	1,46	1,47	1,47	1,46	1,38	1,40	1,41	1,43
Ғоваклик	45,6	44,8	44,4	43,2	42,8	42,4	41,6	41,2	41,2	41,6	44,8	44,0	43,6	42,8
ЧДНСга нисбатан 70–75–75 % тартибда ёмғирлатиб суғориш														
Ҳажм мас.	1,38	1,39	1,39	1,44	1,44	1,45	1,48	1,49	1,47	1,48	1,39	1,41	1,43	1,44
Ғоваклик	44,8	44,4	44,4	42,4	42,4	42,0	40,8	40,4	41,2	40,8	44,4	43,6	42,8	42,4
ЧДНСга нисбатан 75–80–80 % тартибда ёмғирлатиб суғориш														
Ҳажм мас.	1,37	1,38	1,39	1,40	1,42	1,43	1,44	1,45	1,46	1,47	1,38	1,39	1,40	1,42
Ғоваклик	45,2	44,8	44,4	44,0	43,2	42,8	42,4	42,0	52,6	41,2	44,8	44,4	44,0	43,2

Амал даври охирига келиб, суғориш усули ва тартибларига боғлиқ ҳолда тупроқнинг ҳажм массасини ортиши ҳамда ғоваклигини камайиши кузатилиб, эгатлаб суғориш усулида ёмғирлатиб суғориш усулига қараганда кўпроқ ўзгарганлигининг асосий сабаблари тажриба даласида олиб борилган агротехник тадбирлар ҳамда эгатлаб суғориш усулида оқим мавжудлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотларга кўра, 2024 йилда тупроқнинг сув ўтказувчанлиги амал даври бошида 896 м³/га ни ташкил қилди. Соя навларини суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70–75–75 % тартибда суғорилганда амал даври охирида сув ўтказувчанлик 711 м³/га ёки амал даври бошига нисбатан


185 м³/га га камайганлиги кузатилган. Ёмғирлатиб суғориш усулида соя навлари ЧДНС га нисбатан 65–70–70 % тартибда суғорилганда сув ўтказувчанлик 648 м³/га ни ташкил қилиб, амал даври бошига нисбатан 248 м³/га камайганлиги ёки эгатлаб суғорилган вариантга нисбатан 63 м³/га га камайганлиги, 70–75–75 % тартибда суғорилганда 645 м³/га ни ташкил қилиб, амал даври бошига нисбатан 251 м³/га камайганлиги ёки эгатлаб суғорилган вариантга нисбатан 66 м³/га камайганлиги, 75–80–80 % тартибда 680 м³/га ни ташкил қилиб, амал даври бошига нисбатан 216 м³/га га камайганлиги ёки эгатлаб суғорилган вариантга нисбатан 31 м³/га га камроқ сув ўтказилганлиги аниқланган.

2024 йилда сояни етиштиришда амал даври охирида тупроқнинг агрохимёвий таҳлил натижаларига кўра, сояни эгатлаб суғорилган вариантда тупроқнинг ҳайдов 0–30 см қатламида гумус миқдори 0,857 %, ҳайдов ости 30–50 см қатламида 0,829 % ни ташкил қилган бўлса, умумий азот ва фосфор элементларининг миқдори ушбу қатламларда мутаносиб равишда 0,091–0,080 % ва 0,097–0,090 % ни, тупроқ таркибидаги озика моддаларнинг ҳаракатчан шакли N–NO₃ 10,0–8,9 мг/кг, P₂O₅ 14,7–9,7 ҳамда K₂O 158–151 мг/кг ни ташкил қилди ёки амал даври бошига нисбатан тегишлича гумус 0,003–0,003, ялпи азот 0,003–0,001, умумий фосфор 0,003–0,002 га, N–NO₃ 0,01–0,01, P₂O₅ 0,02–0,01, K₂O 4–2 мг/кг камайганлиги кузатилди. Сояни ёмғирлатиб суғоришда юқоридагиларга мос ҳолда гумус 0,861–0,837 % ва 0,096–0,084 % га, ялпи азот 0,091–0,080, умумий фосфор 0,097–0,090 % га, тупроқ таркибидаги озика моддаларнинг ҳаракатчан шакллари N–NO₃ 10,0–8,9 мг/кг га, P₂O₅ 14,8–9,8 мг/кг га ҳамда K₂O 164–154 мг/кг га тенг бўлди ёки амал даври бошига нисбатан ёмғирлатиб суғоришда тупроқ таркибидаги гумус миқдори 0,001–0,005, ялпи азот 0,002–0,003, умумий фосфор 0,001–0,001 %, N–NO₃ 0,01 – 0,01; ўзлаштириладиган фосфор 0,01–0,01, алмашинувчи калий 1–2 мг/кг га ошганлиги ёки амал даври бошига нисбатан ёмғирлатиб суғоришда тупроқ таркибидаги озика моддалари миқдорлари нисбатан ошганлиги аниқланган.

Соя навларини суғоришлар ЧДНСга нисбатан тупроқ намлиги эгатлаб суғоришда 70-75-75 %, ёмғирлатиб суғориш усулида эса 65-70-70 %, 70-75-75 % ва 75-80-80 % уч хил суғориш тартибларида ўтказилди ва 2022 йилда тупроқнинг чекланган дала нам сифими ҳайдов 0–30 см қатламида 21,5 фоизни, 0–50 см ли қатламда 21,6 фоизни, 0–70 см да 21,8 фоизни, 0–100 см қатламда эса ўртача 22,2 фоизни, 2023 йилда юқоридагиларга мос ҳолда 21,6; 21,8; 22,1 ва 22,4 фоизни, 2024 йилда эса 21,7; 21,8; 22,2 ва 22,5 фоизни ташкил қилганлиги аниқланди ва суғоришлар соянинг ривожланиш фазаларига кўра вариантлар бўйича суғориш олди тупроқ намлигига роя қилинган ҳолда ўтказилди.

2024 йилда ўрганилган соя навларини эгатлаб суғоришда суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70–75–75 % да 1–2–3 тизимда 5 маротаба суғорилиб, гуллаш фазасигачада 1 маротаба 650 м³/га, гуллаш–ҳосил тўплаш фазасида 2 маротаба 600, 650 м³/га меъёрларда, пишиш фазасида эса 2 маротаба 650, 650 м³/га меъёрларда суғорилиб, суғориш давомийлиги 15–17

соатни, суғоришлар ораси 27–31 кунни, мавсумий суғориш меъёри 3250 м³/га ни ташкил этган. Сояни суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 65–70–70 % тартибда 2–3–3 тизимда 8 маротаба ёмғирлатиб суғорилганда, гуллаш фазасигача 2 маротаба 380, 380 м³/га, гуллаш–ҳосил тўплаш фазасида 3 маротаба 360, 360, 360 м³/га меъёрларда, пишиш фазасида эса 3 маротаба 360, 360, 360 м³/га меъёрда суғорилиб, суғориш давомийлиги 2,8–2,5 соатни, суғоришлар ораси 13 кунни, мавсумий суғориш меъёри 2920 м³/га ни, сояни ёмғирлатиб суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70–75–75 % да 2–4–3 тизимда 9 маротаба суғорилиб, гуллаш фазасигача 2 маротаба 360, 360 м³/га, гуллаш–ҳосил тўплаш фазасида 4 маротаба 330, 330, 330, 330 м³/га меъёрларда, пишиш фазасида эса 3 маротаба 330, 330, 330 м³/га меъёрда суғорилиб, суғориш давомийлиги 2,8–2,5 соатни, суғоришлар ораси 12 кунни, мавсумий суғориш меъёри 3030 м³/га ни, сояни ёмғирлатиб суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 75–80–80 % да 2–4–4 тизимда 10 маротаба суғорилиб, гуллаш фазасигача 2 маротаба 320, 320 м³/га, гуллаш–ҳосил тўплаш фазасида 4 маротаба 240, 240, 240, 240 м³/га меъёрларда, пишиш фазасида эса 4 маротаба 240, 240, 240, 240 м³/га меъёрда суғорилиб, суғориш давомийлиги 2,5–2,0 соатни, суғоришлар ораси 10 кунни, мавсумий суғориш меъёри 2560 м³/га ни ташкил қилганлиги кузатилган. Сояни эгатлаб суғориш усулига нисбатан сояни ёмғирлатиб суғорилган вариантларда 330–690 м³/га сув кам сарфланганлиги аниқланган (1–расм).



1–расм. Сояни эгатлаб ва ёмғирлатиб суғоришда мавсумий суғориш меъёрлари, 2022–2024 йиллар

Соянинг Нафис ва Узбекская–6 навларини суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70–75–75 % тартибда эгатлар орқали суғорилганда 1 ц дон ҳосили олиш учун сарфланган умумий сув миқдори 2024 йилда 312,4 ва 282,6 м³ ни ташкил қилган бўлса, ЧДНС га нисбатан 65–70–70 % тартибда ёмғирлатиб суғорилганда ушбу кўрсаткичлар 278,3 ва 248,6 м³ ни, ЧДНС га нисбатан 70–75–75 % тартибда 268,9 ва 242,0 м³ ни, ЧДНС га нисбатан 75–80–80 % тартибда 233,5 ва 211,2 м³ ни ташкил қилганлиги қайд қилинди. Соя навларидан 1 ц дон ҳосили етиштириш учун

сарфланган мавсумий сув миқдори сояни суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70–75–75 % тартибда эгатлар орқали суғорилганда 133,7–121,7 м³, ЧДНС га нисбатан 65–70–70 % тартибда ёмғирлатиб суғорилганда 111,1–97,6 м³, ЧДНС га нисбатан 70–75–75 % тартибда 106,1–96,2 м³, ЧДНС га нисбатан 75–80–80 % тартибда 79,7–73,0 м³ га тенг бўлди ва энг ижобий натижалар соянинг Узбекская–6 навини суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70–75–75 ва 75–80–80 фоиз тартибларда ёмғирлатиб суғорилганда кузатилган (2–жадвал).

Диссертациянинг **“Ёмғирлатиб суғориш тартибларининг сояни ўсиши–ривожланиши, дон ҳосили ва сифат кўрсаткичларига таъсири”** деб номланган тўртинчи бобида суғориш усули ва тартибларининг соя навлари ривожланиш даври, поя баландлиги, дуккаклар сони ва дуккакдаги дон сони, кўчат қалинлиги, дон ҳосили, минг донга дон массаси ҳамда мой миқдorigа таъсири тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Соя навлари эгатлаб суғорилганда, ўсув даври Узбекская–6 навида суғориш тартибларига мос равишда 124–130 кунни, Нафис навида 114–116 кунни ташкил этган бўлса, ёмғирлатиб суғориш усулида тегишлича 125–136 кун, 105–116 кунга тенг бўлганлиги аниқланган.

Тадқиқотларда (2022–2024 йиллар) соя навларининг поя баландлиги ва поядаги дуккаклар сони эгатлаб суғориш усулида Узбекская–6 навида 87,3–89,7–88,5 см ни ва 18,4–19,1–18,3 донани, Нафис навида 86,8–88,9–87,9 см ни ва 16,3–16,7–15,2 донани ташкил этган бўлса, ёмғирлатиб суғориш усулида суғориш тартибларига мос равишда Узбекская–6 навида 94,8–102,6–98,6 см ва 17,2–16,6–17,2 донани, Нафис навида 93,4–99,5–96,5 см ва 15,2–16,9–15,6 донани ташкил этган.

Соя навларини суғориш усуллари ва тартибларини 1000 донга уруғ массаси, яъни соянинг Нафис ва Узбекская–6 навларини суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70–75–75 фоизда эгатлаб суғорилган вариантда 136,6–138,3 г, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 65–70–70; 70–75–75 ва 75–80–80 фоиз тартибларда ёмғирлатиб суғорилган вариантларда юқоридагиларга мос равишда 134,4–135,0; 137,6–138,1 ва 138,4–139,2 г бўлганлиги кузатилган.


Соя навларининг кўчат қалинлиги амал даври бошида (2024 йил) Узбекская–6 навида 375,5 минг туп/га, Нафис навида 449,3 минг туп/га ни ташкил этганлиги, амал даври охирига келиб эгатлаб суғориш усулида суғориш тартибларига мос равишда соянинг Узбекская–6 навида 365,8 минг туп/га, Нафис навида 437,4 минг туп/га ни ташкил этган ва амал даври бошига нисбатан 12,0 минг туп/га га камайган. Ёмғирлатиб суғориш усулида суғориш тартибларига мос равишда соянинг Узбекская–6 навида кўчат қалинлиги 380,9–387,1 минг туп/га, Нафис навида 357,9–359,9 минг туп/га ни ташкил этган ва амал даври бошига нисбатан соянинг Узбекская–6 навида 8,8–13,8 минг туп/га, Нафис навида 8,6–14,5 минг туп/га камайган.

Соёни суғориш усуллари ва тартибларига кўра тупроқдаги сув захираси ҳамда соёнинг умумий сув истеъмоли (2024 йил)


№	Вариантлар т/р	1	2	3	4	5	6	7	8
1	Соё навлари	Нафис	Узбекская-6	Нафис	Узбекская-6	Нафис	Узбекская-6	Нафис	Узбекская-6
2	Суғориш усули	Эгатлаб суғориш		Ёмғирлатиб суғориш					
3	Суғоришлар олди тупроқ намлиги, % (ЧДНСга нисбатан)	70-75-75		65-70-70		70-75-75		75-80-80	
4	Амал даври бошидаги намлик захираси (0-100 см), м ³ /га	1454,5	1454,5	1454,5	1454,5	1454,5	1454,5	1454,5	1454,5
5	Амал даври охиридаги намлик захираси (0-100 см), м ³ /га	1003,6	1003,6	1003,6	1003,6	1003,6	1003,6	1003,6	1003,6
6	Тупроқдаги намлик захирасидан фойдаланиш, м ³ /га	450,9	450,9	450,9	450,9	450,9	450,9	450,9	450,9
7	Тупроқдаги намлик захирасининг умумий сув сарфидаги улиши, %	7,1	7,8	7,6	8,4	8,5	8,6	9,4	9,5
8	Атмосфера ёгинлари, м ³ /га	714	714	714	714	714	714	714	714
9	Умумий сув сарфида ёгингарчилик улуши, %	12,2	12,3	12,0	13,2	13,5	13,6	14,8	15,1
10	Мавсумий суғориш меъёри, м ³ /га	3250	3250	2800	2800	2780	2780	2240	2240
11	Умумий сув сарфида суғоришнинг улуши, %	55,6	56,0	46,9	51,9	52,4	52,9	46,5	47,3
12	Ер ости сувларидан фойдаланиш, м ³ /га	1432	1387	1305	1425	1356	1306	1413	1335
13	Умумий сув сарфида ер ости сувларидан фойдаланиш улуши, %	24,5	23,9	21,8	26,4	25,6	24,9	29,3	28,2
14	Сувнинг умумий сарфи, м ³ /га	5846,9	5801,9	5969,9	5389,9	5300,9	5250,9	4817,9	4739,9
15	Соё хосили, ц/га	24,3	26,7	25,2	28,7	26,2	28,9	28,1	30,7
16	1 ц хосилга сарфланган умумий сув миқдори, м ³ /ц	240,6	217,3	236,9	187,7	202,3	181,7	172,1	154,4
17	1 ц хосилга сарфланган мавсумий сув миқдори, м ³ /ц	133,7	121,7	111,1	97,6	106,1	96,2	79,7	73,0
18	1 м ³ суғориш суви ҳисобига етиштирилган соё хосилдорлиги, кг	0,75	0,82	0,90	1,03	0,94	1,04	1,25	1,37

Тадқиқотнинг бошқа йилларида ҳам шунга яқин натижалар олинган.

Соя навларини эгатлаб ва ёмғирлатиб суғориш усуллари ва тартибларида етиштирилган соя дони таркибидаги оксил ва мой миқдори бўйича соянинг Нафис ва Узбекская–6 навлари таққосланганда қуйидагича натижаларга эришилди, яъни соя навларини суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 65–70–70 ва 70–75–75 фоиз тартибларда ёмғирлатиб суғорилган вариантларда эгатлаб суғорилган вариантга нисбатан ўртача уч йилда оксил ва мой миқдори мос равишда Нафис навида оксил миқдори 0,1% дан 0,6% гача, мой миқдори 0,2% гача, соянинг Узбекская–6 навида оксил 0,3% дан 0,6% гача, мой миқдори 0,2% дан 0,3% гача камайганлиги, аксинча сояни суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 75–80–80 фоиз тартибда суғорилганда эгатлаб суғорилган вариантга нисбатан мой ва оксил миқдори Нафис навида тегишлича 0,5 ва 0,4 % га, Узбекская–6 навида эса 0,5 ва 0,4 % га юқори бўлганлиги аниқланган (2 ва 3–расмлар).




2–расм. Сояни ёмғирлатиб суғориш тартибларининг дон таркибидаги оксил миқдorigа таъсири, 2022–2024 йиллар



3–расм. Сояни ёмғирлатиб суғориш тартибларининг дон таркибидаги мой миқдorigа таъсири, 2022–2024 йиллар

Соя навларини эгатлаб суғориш усулида суғориш тартибларига мос равишда ўртача 3 йилда дон ҳосили Узбекская–6 навида 25,4 ц/га, Нафис навида 24,3 ц/га, ёмғирлатиб суғориш усулида соянинг Узбекская–6 навида 27,3–29,8 ц/га, Нафис навида 25,2–28,1 ц/га ни ташкил қилган бўлса, ёмғирлатиб суғориш усулида соянинг Узбекская–6 навидан суғориш тартибларига мос равишда 1,9; 2,2 ва 4,4 ц/га, Нафис навидан 1,9; 2,7 ва 3,8 ц/га қўшимча дон ҳосили олинган (4–расм).



2022 йил: А фактор суғориш усули бўйича $HCP_{05}=0,48$ ц/га; $Sx=1,9$ %
 Б фактор навлар бўйича $HCP_{05}=0,48$ ц/га; $Sx=1,9$ %
 С фактор суғориш тартиби бўйича $HCP_{05}=0,28$ ц/га; $Sx=1,1$ %
 2023 йил: А фактор суғориш усули бўйича $HCP_{05}=0,69$ ц/га; $Sx=2,5$ %
 Б фактор навлар бўйича $HCP_{05}=0,69$ ц/га; $Sx=2,5$ %
 С фактор суғориш тартиби бўйича $HCP_{05}=0,40$ ц/га; $Sx=1,5$ %
 2024 йил: А фактор суғориш усули бўйича $HCP_{05}=0,85$ ц/га; $Sx=3,1$ %
 Б фактор навлар бўйича $HCP_{05}=0,85$ ц/га; $Sx=3,1$ %
 С фактор суғориш тартиби бўйича $HCP_{05}=0,49$ ц/га; $Sx=1,8$ %

4–расм. Соя навларини эгатлаб ва ёмғирлатиб суғориш тартибларининг дон ҳосилига таъсири, ц/га, 2022–2024 йиллар

Диссертациянинг “Сояни ёмғирлатиб суғориш тартибларининг иқтисодий самарадорлиги ва ишлаб чиқариш шароитида ўтказилган тажриба натижалари” деб номланган бешинчи бобида ўтлоқи бўз тупроқлар шароитида соя навларини ресурс тежамкор суғориш тартибларининг иқтисодий самарадорлиги ҳамда ишлаб чиқариш шароитида амалга оширилган тажриба натижалари тўғрисидаги маълумотлар келтирилган. Ёмғирлатиб суғорилган соянинг Узбекская–6 нави суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 75–80–80% тартибда суғорилганда энг юқори соф даромад олиниб, гектарига 6378577 сўм, рентабеллик даражаси эса 37,8 % ни ташкил этди ва мазкур тартибда эгатлаб суғорилганга нисбатан иқтисодий самара 3769701 сўм/га, рентабеллик даражаси 17,3 фоизга юқори бўлишини таъминлади. Бунда, соянинг Нафис навида олинган соф даромад 5134542 сўм/га ни, рентабеллик даражаси 30,6% ни ташкил этганлиги ёки соя навини эгатлаб суғорилганга нисбатан 2525666 сўм/га, рентабеллик даражаси эса 14,6 фоизга юқори бўлгани аниқланди.

2024 йилда тажриба натижалари Тошкент вилояти Бўстонлик тумани “Агровер” МЧЖ кластерида 7 га, Пскент тумани Аширметов Жумабой ф/х 6,5 га, Ўртачирчиқ тумани “ТИҚХММИ”МТУ ўқув тажриба учаткасида 5,0 га, жами 18,5 га майдонга жорий этилган. Олинган маълумотлар кўрсатишича, соянинг Узбекская–6 ва Нафис навлари суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 75–80–80 % тартибда ёмғирлатиб суғорилганда дон ҳосили мос равишда 29,5 ва 32,9 ц/га ни ташкил қилган ҳамда эгатлаб суғориш усулига нисбатан тегишлича 7,3 ва 3,1 ц/га кўшимча дон ҳосили олинган, шунинг билан бирга суғориш суви 650 м³/га ёки 25,5 % иқтисод қилинганлиги аниқланган.

ХУЛОСАЛАР

1. Тажриба даласи тупроғи гранулометриқ таркибига кўра, физик лой (< 0,01мм) миқдори генетик қатламлар бўйича 34,9–39,7 % бўлиб, ўрта кумоқ эканлиги ҳамда амал даври бошида гумус миқдори–0,822 %, ялпи азот–0,089, ялпи фосфор–0,089%, ҳаракатчан фосфор–13,70 мг/кг ва алмашинувчи калий–158 мг/кг ни ташкил этиб, ўзлаштириладиган фосфор билан жуда кам, алмашинувчи калий билан кам таъминлангани аниқланган.

2. Амал даври бошида тажриба даласи тупроғининг 0–30 см қатламида ҳажм массаси 1,28 г/см³, 0–50 см да 1,31 г/см³, 0–70 см да 1,34 г/см³ ва 0–100 см да 1,37 г/см³, ғоваклиги 0–30 см қатламда 52,6 %, 0–50 см да 51,6 %, 0–70 см да 50,6 ва 0–100 см да эса 49,3 %, сув ўтказувчанлиги 882,1 м³/га ни ташкил этган ҳамда соя ёмғирлатиб суғорилганда тупроқ ҳажм массаси амал даври охирида 0,02–0,04 г/см³ камроқ зичлашгани, тупроқ ғоваклиги 0,6–1,2 % ошгани, сув ўтказувчанлиги эгатлаб суғоришга нисбатан 98,3 м³/га кўпроқ бўлгани аниқланган.

3. Соянинг Нафис ва Узбекская–6 навларини мақбул суғориш тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 75–80–80 % тартибда 30–40–40 см қатламини намлаган ҳолда ёмғирлатиб 2–4–4 тизимда 10 марта, гуллашгача 2 марта 300 м³/га, гуллаш–ҳосил тўплаш даврида 4 марта 200 м³/га, пишиш даврида 4 марта 200 м³/га меъёрда 2,0–2,5 соат давомида 10–11 кун оралатиб, мавсумда 2313,3 м³/га сув сарфлаб суғорилган ва бунда эгатлаб суғоришга нисбатан 880 м³/га, 1 ц ҳосил учун Нафис навида 54,4 м³, Узбекская–6 навида 59,1 м³ сувни иқтисод қилишга эришилган.

4. Соянинг Нафис ва Узбекская–6 навлари ЧДНСга нисбатан 70–75–75 % тартибда эгатлаб суғорилганда поя баландлиги 87,7–88,5 см, поядаги дуккаклар сони 16,1–18,6 дона, 1 та дуккакдаги дон вазни 0,136–0,138 граммни ташкил қилган бўлса, ёмғирлатиб суғорилганда ЧДНСга нисбатан 70–75–75 % тартибда поя баландлиги 96,3–97,8 см, дуккаклар сони 14,2–16,6 дона, дуккакдаги дон вазни 0,137–0,138 граммни, ЧДНСга нисбатан 75–80–80 % тартибда поя баландлиги 99,5–102,3 см, дуккаклар сони 15,9–17,0 дона, дуккакдаги дон вазни 0,138–0,139 граммни эканлиги аниқланган.

5. Соя навлари ёмғирлатиб суғориш усулида етиштирилганда дон ҳосили суғориш тартибларига мос равишда Узбекская–6 навида 28,9–30,7 ц/га, Нафис навида 26,2–28,1 ц/га ни ташкил этиб, эгатлаб суғорилганга

нисбатан Нафис навида 3,8 ц/га, Узбекская–6 навида 4,2 ц/га қўшимча ҳосили олинган ҳамда Узбекская–6 нави суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 75–80–80% тартибда ёмғирлатиб суғорилганда энг юқори 30,7 ц/га дон ҳосили олишга эришилган.

6. Соянинг Нафис ва Узбекская–6 навлари тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70–75–75 % тартибда эгатлаб суғорилганда дон таркибидаги мой миқдори 18,5–18,7 %, оксил миқдори 35,6–36,0 %, ёмғирлатиб суғориш усулида мой миқдори 18,3–18,5 %, оксил миқдори 35,5–35,7 % бўлган ҳолда Узбекская–6 нави ЧДНСга нисбатан 75–80–80 % тартибда ёмғирлатиб суғорилганда энг юқори мой миқдори 19,1 %, оксил миқдори 36,5 % ни ташкил қилганлиги аниқланган.

7. Соянинг Узбекская–6 нави суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 75–80–80% тартибда ёмғирлатиб суғорилганда гектаридан 7 млн. 995 минг 451 сўм соф даромад олиниб, рентабеллик даражаси 52,4% ни ташкил қилган бўлса, Нафис навида соф даромад 6 млн. 948 минг 691 сўм/га ва рентабеллиги 46,4% ёки эгатлаб суғориш усулига нисбатан шартли соф фойда миқдори мос равишда 2 млн. 586 минг 112 сўм ва 2 млн. 339 минг 815 сўм/га, рентабеллик даражаси 15,2 ва 14,3% юқори бўлганлиги аниқланган.

8. Тошкент вилоятининг қадимдан суғориладиган ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида соя навларидан юқори ва сифатли дон ҳосили олиш ҳамда суғориш сувларидан самарали фойдаланиш мақсадида:

Узбекская–6 навини тупроқни 30–40–40 см ҳисобий қатламини намлаган ҳолда суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 75–80–80 % тартибда, жами 10 марта, 2–4–4 тизимда, 200–300 м³/га меъёрида, мавсумда жами 2313,3 м³/га меъёрда ёмғирлатиб суғориш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАУЧНО–ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ
ИНСТИТУТЕ СЕЛЕКЦИИ, СЕМЕНОВОДСТВА И
АГРОТЕХНОЛОГИИ ВЫРАЩИВАНИЯ ХЛОПКА**

**НАУЧНО–ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ СЕЛЕКЦИИ,
СЕМЕНОВОДСТВА И АГРОТЕХНОЛОГИИ ВЫРАЩИВАНИЯ
ХЛОПКА**

ХУСАНБАЕВА ХУСНОРА СОБИРЖОНОВНА

**РАЗРАБОТКА РЕЖИМА ДОЖДЕВАЛЬНОГО ОРОШЕНИЯ СОИ В
УСЛОВИЯХ ЛУГОВО–СЕРОЗЕМНЫХ ПОЧВ ТАШКЕНТСКОЙ
ОБЛАСТИ**

06.01.02– Мелиорация и орошаемое земледелие

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2025

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за В2022.4.PhD/Qx997.

Диссертация доктора философии (PhD) выполнена в Научно-исследовательском институте селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (www.psuyaiti.uz) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyounet.uz).

Научный руководитель:

Нурматов Шермат Нурматович
доктор сельскохозяйственных наук, профессор

Официальные оппоненты:

Авлиякулов Мирзоалим Авазович
доктор философии по сельскохозяйственным наукам,
доцент

Идрисов Хусанжол Абдужабборович
доктор сельскохозяйственных наук, старший научный
сотрудник

Ведущая организация:


Ташкентский государственный аграрный
университет


Защита диссертации состоится «29» 10 2025 года в 9⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 при Научно-исследовательском институте селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка (адрес: 111202, Ташкентская область, Кибрайский район, с.с.г. Ботаника, ул. УзПИТИ, НИИССАВХ. Тел: (+99878)150-62-84; факс: (+99871) 150-61-37; e-mail: paxtauz@mail.ru).


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Научно-исследовательского института селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка (зарегистрирована за № 202). (Адрес: 111202, Ташкентская область, Кибрайский район, с.с.г. Ботаника, ул. УзПИТИ, НИИССАВХ Тел:(+99878) 150-62-84; факс:(+99871) 150-61-37.)

Автореферат диссертации разослан «10» 10 2025 года.
(реестр протокола рассылки № 1 от «10» 10 2025 года.)




Ш.Х.Абдуалимов
Заместитель председателя научного
совета по присуждению учёных
степеней, д.с.х.н., профессор.


Ф.М.Хасанова
Учёный секретарь научного совета по
присуждению учёных степеней, к.с.х.н.,
профессор.


Ж.Х.Ахмедов
Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению учёных
степеней, д.б.н., профессор.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире последние годы площадь выращивания сои в Бразилии составляет 39,1 млн. га, США – 34,9 млн. га, Аргентине – 16,4 млн. га, Индии – 12,1 млн. га, Китае – 8,4 млн. га, Парагвае – 3,5 млн. га, России – 2,9 млн. га, Казахстане – 112,9 тыс. га, Узбекистане – 21,4 тыс. га, а производство зерна сои составляет в Бразилии – 134,9 млн. т, США – 120,7 млн. т, Аргентине – 46,2 млн. т, Китае – 16,4 млн. т, Индии – 12,6 млн. т, Парагвае – 10,5 млн. т, России – 4,7 млн. т, Казахстане – 237,8 тыс. т. В мире лидерами по использованию водосберегающих технологий считается Китай - 48 млн. га, США – 13,8 млн. га, Индия – 7,7 млн. га, Бразилия – 4,5 млн. га и Испания – 4,5 млн. га внедрили системы дождевального орошения¹. В условиях постоянно растущей проблемы нехватки воды в мире разработка ресурсосберегающих режимов орошения для получения высоких и качественных урожаев сои приобретает важное научно–практическое значение.

С целью повышения плодородия сельскохозяйственных земель, и полного обеспечения населения продовольствием в мире проводятся научно-исследовательские работы по рациональному использованию земельных и водных ресурсов, созданию высокоурожайных сортов сои, разработке норм и сроков посева, внедрение современных агротехнологий с учетом природных почвенно–климатических условий, оптимальных норм и сроков внесения удобрений, а также ресурсосберегающих способов и режимов орошения.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан № УП–6024 от 10 июля 2020 года «Об утверждении концепции развития водного хозяйства Республики Узбекистан на 2020–2030 годы»², в настоящее время актуальными являются выведение новых местных сортов сои, посев в качестве основной и повторной культуры исходя из биологических особенностей, междурядная обработка почвы, внесение макро– и микроэлементов, защита от болезней и вредителей, борьбы против сорной растительности, эффективное использование почвенной влаги в условиях водного дефицита, изучение водопотребности и определение норм, количества, сроков и расхода при водосберегающем дождевальном орошении.

Постановлении Президента Республики Узбекистан № ПП–107 от 1 апреля 2023 года «О неотложных мерах по повышению эффективности использования водных ресурсов», Указе Президента Республики Узбекистан № УП–36 от 16 февраля 2024 года «О дополнительных мерах по обеспечению продовольственной безопасности в республике» по

¹ <https://gov.uz/uz/suvchi/news/view/33912>

² Указ Президента Республики Узбекистан от 10.02.2020 г. №УП-6024) «Концепции развития водного хозяйства Республики Узбекистан на 2020-2030 годы» (*lex.uz*).

возделыванию и переработке масличных и продовольственных культур, эффективному использованию оросительной воды, применению водо- и ресурсосберегающих технологий, а также задач упомянутых действий в нормативно-правовых документах.

Соответствие исследования основным приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

